Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Совети органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

3 март 1972 йил, жума

№ 53 (15.224). Баҳоси 2 тийин.

БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ X СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ

Суратда: Ўзбекистон касаба союзларининг X съезди делегатларидан бир группаси (чапдан) Ульянов районидаги «Москва» совхозининг бош инженери З. Қиёмов, Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхози бригада бошлиғи М. Шарофиддинова, шу райондаги «Партия XX съезди» колхози раиси Х. Отақўзиева, Андижон шаҳридаги пахтачилик институти ўқитувчиси М. Хўжамуродова, Дўстлик районидаги «Комсомол 50 йиллиги» совхозининг бригада бошлиғи Б. Исмоилова, Яккабоғ район босмахонасининг ишчиси Ф. Исмоилова ўртоқлар. А. Тўраев фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

Бугун Ўзбекистон касаба союзларининг X съезди очилади. Тарбия мактаби, бошқариш мактаби, коммунизм мактаби бўлган касаба союзлари республика халқ хўжалиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Касаба союзлари корхоналар, қурилишлар, совхозлар ва муассасаларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётида катта ўрин тутиб, меҳнаткашларни коммунистик рухда тарбиялашда актив иштирок этмоқдалар, меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволини мунтазам назорат қилиб турибдилар, меҳнаткашларнинг иши ва турмуши, мириқиб, маданий дам олиши, маданий савияси ва малакасининг муттасил ўсиб бориши ҳақида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Совет касаба союзлари бутун куч-ғайратларини ва ташкилотчилик қобилиятларини социалистик экономика равнақига қаратмоқдалар, бу катта юмушда социалистик мусобақа улар қўлида синовдан ўтган дастуруламал бўлиб келди, қозир ҳам шундай. Касаба союз комитетлари ва советлари социалистик мусобақани ташкил этиш, ва такомиллаштириш учун катта иш қилдилар, иқтисодий ислоҳот мақсадлари ва талабларини эътиборга олиб, социалистик мусобақага раҳбарлигинг бир қадар мукаммал форма ва методлари ишлаб чиқилди. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаётган икки миллион нафар меҳнаткаш социалистик мусобақада қатнашмоқда. Коммунистик меҳнат ҳаракати йил сайин авж оляпти. Сўнгги йилларда коммунистик меҳнат зарбдорлари сафига яна 200 минг саноат ва қишлоқ хўжалиги пешқадами қўшилди. Коммунистик меҳнат коллективи деган мўътабар номга сазовор бўлган корхоналар, цехлар, участкалар, саналар, ферма ва бригадалар яна кўпайди. Социалистик мусобақанинг авж олиши замирида янгиданянги меҳнат қаҳрамонлари тобланиб, воғга етди, уларнинг намунаси, ибрати, меҳнатдаги жасорати миллионларга илдиздек порлаб кўринди, улар, ни ҳам янги марраларга, янги чўққиларга илҳомлантирди. Бу ўринда аъло сифат учун юриш бошлаган тошкентлик тўқувчи Румия Оқмуқова ва унинг 40 минг нафар издоши, беш йилликни икки ярим йилда бажаришга азми қарор қилган Тошкент тўқимачилик комбинати ватанпарварларидан Лидия Казанцева ва Евгения Губина номларини меҳр-муҳаббат билан тилга оламиз.

Қишлоқ механизаторлари иши таҳсинга сазовордир. Шоймардон Қудратов ва Тўланбой Дадажонов. Кўчқор Эргашев ва Светлана Продан, Аҳмаджон Валиев ва Абдусаттор Курбонов сингари ўнлаб, юзлаб дала лочинлари теримни механизациялашда жонкуярлик қилмоқдалар. Касаба союзлари мусобақанинг ошкоралиги, натижаларни чоғиштириб кўриш мумкинлиги, тўпланган тажрибани умумхалқ мулкига айлантириш позимлиги ҳақидаги ленинча кўрсатмаларга амал қилиб, социалистик мусобақани меҳнат жабҳасидаги ижодкорликка, минг-минглаб меҳнаткашларни ибрат кучи билан тарбиялаш қуролига айлантирмоқдалар. Мусобақа омма ижоди бўлгани учун ҳам унда формализм ва шаблонга ўрин бўлмаслиги керак. Унинг форма ва методлари янгиланиб туриши, коммунистик қурилишнинг замонавий босқичидаги конкрет вазифаларга мос бўлиши лозим.

Илмий-техника тараққиёти рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни тайёрлаш ва жорий этиш билан чамбарчас боғлангандир. Янги техникани бунёд этиш ва ишга солишда минг-минглаб меҳнаткашлар иштирок этмоқда, улар илмий-техника ва рационализатор ҳамда ихтирочилар жамиятларига бирлашгандирлар. Касаба союзлари ана шу жамиятларнинг ва бошқа ижодий уюшмаларнинг ишларига ҳамиша жиддий эътибор бериб келаётганликлари туфайли ишчи ва инженер-технин ходимларнинг техникавий ижодкорлиги барқ уриб ривожланмоқда. Ҳозир ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятига тўқсон мингга яқин олим, инженер ва технин, ишлаб чиқариш новаторлари уюшгандир. Уларнинг иш кўламини тасаввур этмоқ учун ўтган беш йиллик-да 250 мингга яқин рационализаторлик таклифи ва 417 ихтиро жорий этилганлигини айтиб ўтиш кифоя. Бунинг шарофати билан 230 миллион сўм давлат маблағи тежаб қолинди. Касаба союзлари меҳнаткашлар техникавий ижодкорлигини ишлаб чиқаришнинг мураккаб масалаларини ҳал этишга йўллаб турибдилар.

Ишчи ва хизматчиларнинг қонуний манфаатлари ҳақида, уларнинг иш ва турмуш шароитлари, ни янада яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, меҳнат хусусидаги қонунларга риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси қонун-қоидаларига сира сўзсиз риоя қилинишига эришиш касаба союзларининг асосий вазифаларидан биридир.

Сўнгги йилларнинг ўзидагина меҳнатни муҳофаза этиш учун 120 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу тадбирларнинг самарасини корхоналарда нўпроқ аёллар банд бўлган енгил саноат тимсолида ҳам кўриш мумкин. Бу тармоққа қарашли 23 цехда комплекс механизация жорий этилди, поток ва конвейер машиналар ўрнатилди, автоматлар ишга тушди. Баъзи хўжалик ходимлари учун «майда иш» бўлиб кўринса-да, лекин ишчининг кайфиятига ва демакки меҳнат унумдорлигига таъсир этадиган иш шароитини яхшиламоқ мақсадида вентиляция ускуналари ўрнатилди. Санитария-маиший хоналар очилди. Натижада беҳуда сарфланаётган иш вақти икки баравар камайди. Касаба союз ташкилотлари ғайрат билан, омилкорлик билан, ишнинг кўзини билиб ишлаётган жойларда ана шундай қувончли натижаларга эришилаётгакини айтиб ўтиш керак.

Ўзбекистон касаба союзлари республикамизда дам олиш уйлари, санаторийлар, пионер лагерлари ва туристик базаларни қуриш ва кенгайтиришга катта аҳамият бериб келмоқда. 1971 йилнинг ўзидаёқ 142 минг меҳнаткаш касаба союзларига қарашли базалар ва дам олиш уйларида ҳордиқ чиқарди, баданини чиниқтирди. Лекин ҳали бу соҳада катта камчиликлар ҳам бор. Республикамизнинг хушҳаво иқлими, шифобахш сувлари кўпдан-кўп дам олиш уйлари ва санаторийлар қуриш учун аталгандай. Гап ана шу табиат неъматларидан ишнинг кўзини билиб фойдаланишда қолган.

Партия ташкилотлари раҳбарлигида ишлаётган республика касаба союзлари ишчи ва хизматчиларни коммунистик рухда тарбиялаш борасида катта иш олиб бормоқдалар. Кейинги пайтларда коммунистик меҳнат мактаблари кенг расм бўла бошлади. Бу мактаблар сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг янги оммавий формаларидан биридир. Ана шу мактабларда таҳсил кўрган кишилар социалистик мажбуриятларни бажариш учун янги имконият ва резерварни топмоқдалар, бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд бўлиб ишлашни ўрганмоқдалар, социалистик хўжалик юритишнинг ленинча принципларини эгалламоқдалар. Тошкент, Бухоро, Самарқанд область касаба союзлари Советлари коммунистик меҳнат мактабларига омилкорлик билан раҳбарлик қилаётганликларини таъкидлаш лозим.

Касаба союзлари бадиий ҳаваскорликни ривожлантириш, физкультура ва спортни меҳнаткашлар ўртасида кенг ёйиш учун ҳам кўп ғайрат қилмоқдалар. Сўнгги беш йил мобайнида касаба союзларининг спорт жамиятларида 700 минг ишчи, хизматчи ва ўқувчи жисмоний тарбия олди, ўзининг спорт маҳоратини оширди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон касаба союзлари сон жиҳатдан ўсди, ташкилий жиҳатдан яна ҳам мустаҳкамланди. Икки съезд оралиғида касаба союзлари сафига деярли ярим миллион нафар янги аъзо келиб қўшилди. Қозир бу сафда 2 миллион 900 минг шаҳар ва қишлоқ меҳнаткаши бор. Касаба союзлари ташкилотларида кадрлар билан ишлаш яхшиланганлиги, кадрларга ишонч, шу билан бир вақтда талабчанлик ҳам ошганлигини қайд этиш керак.

Республика касаба союз ташкилотлари бундан буён ҳам иш услубларини такомиллаштириб боришлари, хўжаликни бошқаришга меҳнаткашларни яна ҳам кенгроқ жалб этишлари, КПСС XXIV съездида янги беш йилликда экономикамиз олдига қўйилган вазифаларни тўла-тўкис бажаришга меҳнаткашларни сафарбар этишлари лозим.

«ЛУНА-20» АВТОМАТ СТАНЦИЯСИНИ ЯРАТИШДА ВА ОЙ ЗАМИНИ НАМУНАЛАРИНИ ЕРГА ОЛИБ КЕЛИШДА ҚАТНАШГАН ОЛИМЛАР, КОНСТРУКТОРЛАР, ИНЖЕНЕРЛАР, ТЕХНИКЛАР, ИШЧИЛАРГА, ҲАММА КОЛЛЕКТИВЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРГА

Азиз ўртоқлар!

Космосни ўзлаштириш тарихига яна бир ёрқин саҳифа ёзилди. 1972 йил 14 февралда совет «Луна-20» автомат станцияси Ойга йўл олди, унга етиб боргач, Ойнинг Сероблик денгизи билан Кризислар денгизи оралиғида белгилаб қўйилган тоғли материк районига оҳиста қўнди. «Луна-20» станцияси пармалаш ёрдамида Ой заминидан намуналар олди, сўнгра космик ракета Ой юзасидан Ерга қараб учди. Ерга яқинлашиб учиб келган пайтда Ой замини намуналари жойланган қайтарилувчи аппарат ундан ажралиб чиқди. Аэродинамик тормозланишдан сўнг 1972 йил 25 февралда аппарат Совет Иттифоқининг тегишли районига қўнди.

«Луна-20» автомат станциясини учириш юзасидан белгиланган программа тўла-тўкис бажарилди. Станциянинг ҳамма системалари ва Ердаги комплекс воситалар аниқ ва пухта ишлади.

Совет фани ва техникасининг Ойни ва космик фазони тадқиқ қилишдаги янги муваффақияти — ССР Иттифоқининг 50 йиллиги шонли юбилейига тайёргарлик кўраётган социалистик Ватанимиз шонли ишчилар синфи, олимлари, конструкторлари, инженерлари ва техниклари илҳомбахш меҳнатининг натижасидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети «Луна-20» автомат станциясини яратишда ва унинг парвозини амалга оширишда қатнашган ҳамма коллективлар ва ташкилотларни, ҳамма иштирокчиларни қизғин табриклайдилар.

Ижодкор ва бунёдкор совет халқига шон-шарафлар!

Яшасин Ватан манфаатлари йўлидаги, коммунизм тантанаси йўлидаги ҳамма ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — КПСС!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Биз, «Луна-20» автомат станциясини яратиш, учириш ва парвозини амалга оширишда қатнашган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчилар КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига шуни маълум қиламизки, автомат аппаратни Ойнинг бориш қийин бўлган материк районига қўндириш, Ой заминини пармалаш ва унинг намуналарини Совет Иттифоқининг тегишли районига келтиришдан иборат мураккаб илмий-техникавий вазифа муваффақиятли равишда ҳал этилди.

«Луна-20» станциясини учиришнинг ҳамма босқичларида Ер — Ой трассасида, Ой атрофидаги орбитада, унн Ойнинг белгиланган районига оҳиста қўндириш, Ой заминини пармалаб, ундан намуналар олиш, космик ракетанинг Ойдан кўтарилиши, унинг Ер томон парвоз қилиши, қайтарилувчи аппаратни Ерга қўндиришда — станция аппаратлари ва системалари, команда-ўлчов ва қидирув комплекс воситалари аниқ ва пухта ишлади.

«Луна-20» станциясини учириш программаси муваффақиятли амалга оширилганлиги космик фазони тадқиқ қилишда ҳамда Ой юзасидан ва Қуёш системаси планеталаридан илмий ахборот олиш учун автомат аппаратларнинг катта имкониятлари борлигини яна исботлади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетини, СССР Олий Совети Президиумини, Совет ҳукуматичи ва бутун совет халқини ишонтириб айтамизки, биз ўзимизнинг бутун кучимиз ва маҳоратимизни халқимиз ва бутун инсоният бахт-саодати йўлида космик фазони тадқиқ қилиш ва ўзлаштириш учун совет космик техникасининг янги намуналарини яратиш соҳасида партия билан ҳукумат топшириқларини бажаришга сарф қиламиз.

ҚОЗОҒИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

ОЛМАОТА, 1 март. (ТАСС). Беш миллионга яқин ишчи ва хизматчи Қозоғистон касаба союзларининг аъзосидир. Кейинги йилларда касаба союзларининг социалистик мусобақани ривожлантириш, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этиш, меҳнаткашларни коммунистик рухда тарбиялаш ва уларнинг фаровонлигини ошириш соҳасидаги роли анча кучайди.

Республика касаба союзларининг бугун очилган X съезди делегатлари шу тўғрида гапирдилар. Қозоғистон касаба союзлари советининг раиси К. А. Егизбоев ҳисобот доклади қилди.

Касаба союзлари съездининг ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев ва ВЦСПС қатнашмоқда.

Л. И. БРЕЖНЕВ ШАЙХ МУЖИБУР РАҲМОННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 2 мартда Бангладеш Халқ Республикасининг Бош министри шайх Мужибур Раҳмонни қабул қилди. Л. И. Брежнев янги мустақил давлатнинг атоқли арбоби ва ҳукумат бошлиғини самимий табриклади.

Мужибур Раҳмон Бангладеш халқининг озодлик ва мустақиллик учун олиб борган олижаноб курашида катта мадад кўрсатганлиги учун Совет Иттифоқига самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Дўстона ва самимий вазиятда ўтган учрашув чоғида Совет Иттифоқи билан Бангладеш Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари, шунингдек, ҳар икки томонни қизиқтирувчи баъзи бир халқаро проблемалар муҳокама қилинди.

Учрашувда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва Бангладеш Халқ Республикаси ташқи ишлар министри М. Абдус Самад, СССРнинг Бангладеш Халқ Республикасидаги элчиси В. Ф. Попов ва Бангладеш Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Шамсур Раҳмон иштирок этдилар.

(ТАСС).

МУЖИБУР РАҲМОН ШАРАФИГА

СССР ҳукумати 1 март куни Катта Кремль саройининг Грановит палатасида Бангладеш Халқ Республикасининг Бош министри шайх Мужибур Раҳмон шарафига зиёфат берди.

Мужибур Раҳмонга ҳамроҳ бўлиб келган кишилар, шунингдек Бангладеш Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Шамсур Раҳмон зиёфатда бирга бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, Б. Н. Пономарев ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Н. К. Байбаков, В. Э. Димшиц, В. А. Кириллин, М. А. Лесечко, В. Н. Новиков, СССР министрлари, СССР, давлат комитетларининг раислари ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин нутқ сўзлади. У Мужибур Раҳмонга муроҳаат қилиб бундай деди: Бугунги кун Совет Иттифоқи билан Бангладеш Халқ Республикаси учун шонли сана ҳисобланади. Бангладеш Халқ Республикаси ҳукумати бошлиғининг Совет Иттифоқига қилган биринчи визити — мамлакатларимизнинг дўстона муносабатларини янада ривожлантириш учун, улар ўртасида ўз халқларининг манфаатларига, тинчликни таъминлаш манфаатларига мос бўлиб тушадиган кенг кўламдаги ҳамкорликни йўлга қўйиш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган ғоят муҳим воқеадир.

Совет халқи, деди А. Н. Косигин, Шарқий Бенгалия халқининг курашига чуқур хайрихоҳлик билдирди ва унинг ғалабасини табриклади. Бизнинг бу позициямиз ғоят принципиал позициядир.

Ҳозир Бангладеш Халқ Республикасини дунёдаги ҳамма халқлар эътироф қилди, қиқдан ортиқ давлат уни дипломатик тарзда таниди. Ҳозирча Бангладешни эътироф қилмай турган давлатлар ҳам эрта-индин уни тан олишларига шубҳаланмаса ҳам бўлади.

Халқи социал тараққиёт йўлига ўтиб олишга интилувчи янги суверен давлатнинг туғилиши ҳамиша ҳам тинчлик иши фойдасига хизмат қиладиган ижобий омил бўлади. Бангладеш Халқ Республикасининг ташкил топиши Ҳиндистон ярим оролидаги аҳволни ялпи нормаллаштириш учун худди шундай аҳамиятга эга бўлишига аминмиз, Бангладеш ҳукуматининг сиёсати у ердаги душман кучлар қасддан вужудга келтирган кескинликка абадий чек қўйишга каратилишига аминмиз. Ҳиндистон ярим оролида мустаҳкам тинчлик ўрнатилиши шу район халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади, уларни социал, иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим шарти бўлади ва жиддий кескинлик манбаини тугатади.

Пировардида А. Н. Косигин шуни таъкидладики, Совет Иттифоқи Бангладеш Халқ Республикаси билан ўз муносабатларини тўла тенглик, суверенитет ва мустақилликни ўзаро ҳурматлаш, бир-бирининг ички ишларига асло аралашмаслик принциплари асосида қуради. Бизнинг ҳамкорлигимиз мамлакатларимизнинг миллий манфаатларига мос бўлиб тушади ва тинчликни мустаҳкамлашнинг яна бир омили бўлиб хизмат қилади, деб ишонч билдирди А. Н. Косигин.

Мужибур Раҳмон жавоб нутқи сўзлади. Бугун шу ерда сизлар билан бирга бўлиш мен учун чиндан ҳам катта шарафдир, деди у. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Бош секретари Л. И. Брежнев. СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бу ерда ҳозир бўлганликларидан мен айниқса хурсандман.

Мустақил суверен Бангладеш давлатининг вакили инсониятнинг озодлик, социал адолат, яхши келажак учун кураш йўлини бошлаб берган сизларнинг мамлакатингизга биринчи марта ташриф қилди. Бу — бизнинг тарихимизда буюк воқеа ҳисобланади. Биз бошлаган курашнинг аввал бошиданоқ Совет ҳукумати билан совет халқи адолат ва озодлик йўлидаги курашимизни қўллаб-қувватлаганлиги сизлардаги буюк революцион анъананинг муносиб ифодасидир. Ишимизга мадад берган совет халқига халқимнинг чуқур миннатдорчилигини изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Мужибур Раҳмон Бангладеш халқининг ўз озодлиги йўлидаги курраши тўғрисида гапириб берди.

Бизнинг сиёсий мустақиллигимиз қимматга тушди, лекин биз уни сақлаб қолиш учун қаттиққўллик, касалликлар ва очарчилик устидан ғалаба қозонишимиз керак, деди сўзини давом эттириб ҳурматли меҳмон. Биз ўзимиз ўтказаётган иқтисодий сиёсатнинг экономикамизни тез ўстиришни таъминлабгина қолмай, шу билан бирга шу ўсиш самараларини одилона ва бир текис тақсимлашни ҳам таъминлашига ишонамиз. Менинг мамлакатим демократия йўлига абадий ўтиб олганлиги энг муҳим муваффақиятимиздир.

Биз яшаб турган дунёда можаролар тўлиб тошиб ётибди. Бутун дунёда тинчликка ёрдам берадиган шарт-шароитларни яратишишда буюк совет халқи қаҳрамонона роль ўйнаётганлигига биз қойил қиламиз. Биз мустақил мамлакат сифатида ялпи тинчликни, стабилликни ва равнақни мустаҳкамлаш йўлидаги ана шу куч-ғайратларга қўшилишимиз мумкинлиги билан фахрланамиз.

Мени ҳамма жойда астойдил меҳмондўстлик билан кутиб олаётганликлари учун Совет ҳукумати билан совет халқидан ғоят миннатдорман, деди сўзининг охирида Мужибур Раҳмон. Бу — ҳукуматингиз билан халқингизнинг менинг мамлакатим билан ҳукуматимга самимий дўстлигинкинг ифодаси эканлигига аминман. Сизлар менинг халқимга сидқидилдан дўстлик туйғуларини баён қилмоқдасизлар, мен ҳам Бангладеш халқи ана шу ҳиссий туйғуларга муносиб ҳис-туйғулар билан жавоб беради, деб сизларни ишонтира оламан.

А. Н. Косигин билан Мужибур Раҳмоннинг нутқлари зўр эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат дўстона, самимий вазиятда ўтди. (ТАСС).

СССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик муносабати билан Тошкент шаҳар партия комитети миллий масала хусусидаги ленинча назария ва Коммунистик партиянинг бу борадаги сиёсати, меҳнаткашларни интернационал тарбиялаш проблемаларни юзасидан ташкил қилган лекторийда 2 мартда биринчи машғулот бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинча миллий сиёсатининг тантанаси» деган темада лекция ўқиди. (ЎзТАГ).

Б А Л А Л И, ИШЧИЛАР СИНФИ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Республика индустрияси саноат маҳсулотини реализация қилиш бўйича 1972 йил январь-февраль ойлари планнини 101,9 процент бажарди. Планга қўшимча равишда бир неча ўн миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Ўтган йилнинг худди шу давридагига нисбатан маҳсулотни реализация қилиш суръатининг ўсиши 109,6 процентни ташкил этди. Тошкент шаҳри, республиканинг барча областлари ва Қорақалпоғистон АССР саноати икки ойлик планни бажаришди. Февраль ойи плани 102,2 процент бажарилди.

ХОРАЗМ ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ АҲДИ

УРГАНЧ, 2 март. (ЎзТАГ). Бугун Боғот районидаги Нариманов номли колхознинг маданият саройида Хоразм области қишлоқ хўжалиги илғорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш ишида Хоразм деҳқонлари билан мусобақадош Қорақалпоғистон автоном республикаси ҳамда Туркманистоннинг Тошовуз области вакиллари қатнашди.

Область ижроия комитетининг раиси Р. Эшчонов бултурги йилнинг якунлари ҳамда область қишлоқ меҳнаткашларининг тўқкизинчи беш йиллик иккинчи йилдаги вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари 1972 йилга социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар. Қўш орденли область колхоз ва совхозларининг меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг ярим асрлик юбилейи йилида давлатга 410 минг тонна пахта беришга қарор қилдилар. 28 минг 500 тонна шоли тайёрлаш, чорвачлик маҳсулотлари, пилла, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мўлжаллаб қўйилди.

СИРДАРЁЛИКЛАРНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

ГУЛИСТОН, 2 март. (ЎзТАГ). Сирдарё область қишлоқ хўжалиги илғорларининг бугун бу ерда бўлиб ўтган кенгаши бултурги йилнинг якунларини ҳамда тўқкизинчи беш йиллик иккинчи йилида қишлоқ меҳнаткашлари олдида турган вазифаларни муҳокама қилди. Кенгаш ишида Сирдарё области хўжаликларини оталиққа олган Тошкент шаҳрининг вакиллари, шунингдек сирдарёликлар билан мусобақадош Тошкент области ва Тожикистон ССР Ленинобод областининг вакиллари қатнашдилар. Область партия комитетининг секретари И. С. Умаров доклад қилди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари ўз зиммаларига 1972 йилда давлатга беш юз минг тонна пахта бериш, ғалла, чорвачлик маҳсулотлари, сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари, ҳўл мева етиштиришни кўпайтиришдан иборат социалистик мажбуриятларни олдилар.

КОММУНИЗМ МАКТАБИ

ЖАНГОВАР ВАЗИФАЛАР

Бутун мамлакат, совет халқи КПСС XXIV съезди қарорларини дилга жо этиб, уларни амалга ошириш учун ҳормай-толмай ишламоқда. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет интеллигенцияси қўлни қўлга бериб партия кўрсатиб берган йўлдан коммунизмнинг янги ғалабалари сари олға бормоқдалар. Тўқкизинчи беш йилликнинг биринчи йили кўнгилдагидек якунланди. Бутун совет юрти меҳнаткашлари сингари Узбекистон меҳнат аҳли ҳам 1972 йил халқ хўжалик планларини муваффақиятли бажармоқдалар.

М. ЗОИДОВ,
Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси

Москва ва Ленинград саноат корхоналарининг ишчи ва инженер-техник ходимлари ташаббуси билан СССРнинг 50 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. КПСС Марказий Комитетининг СССР ярим асрлик юбилейи муносабати билан қабул қилган қарори совет кишиларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди.

Узбекистон касаба союзларининг тўқкизинчи съездидан кейин ўтган йиллар мобайнида республикамиз халқ хўжалиги шаҳдам одимлар ташлади. Узбекистон ССРда ўтган беш йилликда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 35 процент ортди. Механизацияни кенг жорий этиш, химиялаштириш ҳамда деҳқончилик маданиятини ошириш негизида республикамиз қишлоқ хўжалиги равнақ топмоқда. Утган беш йилликда Узбекистон пахтакорлари планда белгиланганига нисбатан 3 миллион 244 минг тонна кўп «оқ олтин» топширдилар.

Касаба союзлари социалистик экономикамизни гуллаб-яшнатишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Биз халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини юксалтиришга социалистик мусобақани авж олдириш билан таъсир ўтказмоқдамиз. Социалистик мусобақа халқимизнинг кучғайратини, ижодини жўш урдирадиган, минг-мингларб илғорлар ва новаторларни ўстириб вояга етказадиган, рационализатор ва ихтирочиларнинг ижодини камол топтирадиган қудратли кучдир. Социалистик мусобақа ишлаб чиқариш кучларини зўр бериб ўстириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этишнинг синалган омилидир.

Касаба союз комитетлари ва Советлари социалистик мусобақани янада такомиллаштириш учун муттасил курашиб келмоқдалар. Иқтисодий ислоҳот амал қилаётган ҳозирги шароитда мусобақага раҳбарликнинг бир қадар мукаммал форма ва методлари юзага келди. Социалистик мусобақани уюштириш масалалари Узбекистон касаба союзлари Совети Президиуми ва касаба союз пленумларида мунтазам муҳокама қилиб борилмоқда. Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларига қарашли корхоналар ва ташкилотлар коллективлари ўзаро мусобақалашиб ишламоқдалар. Эндиликда мусобақалашиб ишлаётганлар орасида 2 миллион нафар ишчи, инженер-техник ва хизматчилар бор. Касб-кори бир хил бўлган меҳнаткашларнинг юқори меҳнат унумига эришмоқ учун ташкил этилган мусобақаси айниқса яхши самара беряпти. Бу социалистик мусобақада 300 минг-га яқин киши қатнашмоқда. Уста деган мўътабар номга 11 минг пешқадам ишчи сазовор бўлди.

Социалистик мусобақа жараёнида кўпгина янги ташаббуслар майдонга келди. Бу ташаббуслар беш йиллик планларнинг муддатидан илгари бажарилишига хизмат қилмоқда. Узбекистон касаба союзлари республика Совети Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи, В. И. Ленин номли электрон-техника заводи, Бекобод металлургия заводи, Тошкент лак-бўёқ заводи, «Юлдуз» тикувчилик фирмаси коллективларининг қиммати таташаббусларини ўз вақтида маъқуллади. Ана шу корхоналар коллективларининг издошлари бўлган юзлаб фабрика ва заводларнинг коллективлари беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш учун курашмоқдалар.

В. И. Ленин номли Бекобод металлургия заводида илғор тажрибаларни ёйиш бўйича 40 та мактаб ишлаб турибди. Республика қурилишлари ва қурилиш материаллари саноати корхоналарида 1340 та ана шундай мактаблар очилган.

Кўпгина касаба союз комитетлари социалистик мусобақани уюштиришга қунт билан ижодий ёндошмоқдалар. Лекин шундай касаба союз ташкилотлари ҳам борки, уларда мусобақа нариданбери, юзаки ташкил этилган. Гап кўпу, лекин амалий иш оз. Мусобақада энг асосий эътибор одамларни уюштиришга ва уларни тарбиялашга қаратилиши лозим эканлиги унутилмаслиги керак.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев партия XXIV съездига ҳисобот докладида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш энг муҳим масала, деб ўтди. Республикамиз саноати 1971 йилда меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғини бажарди. Лекин 200 корхона меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғини бажара олмаганини айтиб ўтиш керак. Касаба союз Советлари ва комитетлари хўжалик органлари билан баҳамжиҳат иш тутиб, меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқларининг бажарилмаслик сабабларини ўрганиб чиқишлари лозим. Илмий-техника тараққиёти, саноат кўпчилик тармоқларининг техника билан қайта қуроллантирилаётганлиги меҳнат унумдорлигини кўтармоқ учун янада катта имкониятлар яратади. Аммо афсуски, бир қанча корхоналарнинг раҳбарлари ва касаба союз ташкилотлари техника тараққиётига етарли эътибор бермаётирлар. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун мунтазам изчил кураш олиб бормаётирлар.

Меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этишнинг муҳим формаларидан бири ҳамиша ишлаб турадиган ишлаб чиқариш кенгашларидир. Ҳозир республикамизда 5414 та ана шундай кенгаш бор, уларда 180 минг киши қатнашмоқда. Шулардан 124 минги ишчилардир. Бу кенгашларда ҳар йили 25 мингдан ортиқ таклиф ишлаб чиқилади. Булар ишлаб чиқаришни, технологияни янада такомиллаштиришга, маҳсулот сифатини яхшилашга, кишиларнинг меҳнат шароитини яхшилашга қаратилгандир. Тошкент авиация ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари, Чирчиқ электрохимия комбинатида доимий ҳаракатдаги кенгашлар иши яхши йўлга қўйилган.

Узбекистон касаба союзлари ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ишлаб чиқаришдаги травматизмнинг олдини олиш учун кўп иш қилмоқда. Меҳнат муҳофазасини назорат қилишга, техника хавфсизлиги қоидаларига, меҳнат ҳақидаги қонунларга қатъий риоя қилиниши учун курашмоқда. Кўпгина касаба союз ва хўжалик ташкилотлари меҳнат шароитини янада яхшилаш мақсадида беш йиллик комплекс планлар тузиб чиқмоқдалар. Бу планларда оғир жисмоний меҳнатларга чек қўйиш ҳамда санитария-маиший хоналарни кўпайтириш кўзда тутилади.

Узбекистон касаба союзлари республикамизда дам олиш уйлари, курортлар ва шифохоналар очишга катта эътибор бериб келмоқдалар. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика ҳукуматининг Чорвоқ сув омбори атрофида ва Фарғона водийсида дам олиш зоналари бунёд этиш, санаторийлар, дам олиш уйлари, пионер лагерлари ва туристик базалар қуриш ҳақидаги қарори бу ишни янада яхшилашга муҳим аҳамият касб этди. Кейинги вақтда Чорток, Чинобод санаторийларида ўринлар кўпайди. Кумушкон, Қизилқўрғон, Сўқоқ дам олиш уйлари кенгайди. Фарғона ва Орол қирғоғи деган янги дам олиш уйлари очилди. Лекин касаба союзларининг бу сохада қиладиган ишлари кўп. Чимён курортидаги қурилишларни жадаллаштиришимиз, бўйраги дардга чалинган кишилар даволанадиган Сторомоҳи-хосса санаторийси қуриб битказилиши, Чорвоқ сув омбори соҳили ва Шоҳимардонда курортлар қурилиши бошланиши керак. Санаторий ва дам олиш уйларида маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш талаб этилади.

Касаба союзлари ўтказаётган соғломлаштириш ва даволаш профилактика ишлари орасида ишчилар меҳнатдан кейин келиб даволанадиган ва дам оладиган санаторий профилакторийларнинг аҳамияти каттадир. Республикадаги ишлаб турган профилакторийлар етарли эмас. Иқтисодий ислоҳот амалга оширилаётгани учун корхоналар профилакторий қуриш учун катта имкониятларга эгалар. Шу имкониятлардан фойдаланиш лозим. Узбекистон касаба союзлари Совети профилакторийларни 1971 — 1975 йилларда кўпайтириш тадбирларини ишлаб чиқди. Уларнинг сони деярли икки баравар кўпаяди.

Касаба союзлари совет кишиларини марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, уларнинг умумий иши учун масъулиятини ва жавобгарлигини ошириш руҳида тарбиялашга даъват этишгандирлар. Шу асосда меҳнаткашларнинг қуч-ғайрати беш йиллик планларини муваффақиятли бажаришга, социалистик мусобақани янада авж олдиришга қаратилади. Меҳнаткашлар коллективлари ҳаётида коммунистик меҳнат мактаблари роли тобора ортиб бораётганлигини айтиб ўтиш керак. Иқтисодий ўқув ҳам меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусининг ошишига хизмат қилмоқда. Касаба союзларининг маданий-оқартув муассасалари иши ҳам яхшиланди. Ҳозир 600 дан ортиқ маданият саройлари ва клублар ишлаб турибди. Касаба союзлари бадиий ҳаваскорликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор бермоқдалар. Икки съезд оралиғида физкультура ва спорт ҳам анча ривожланди. Беш йил мобайнида физкультура ва спорт равнақ топди. Шу даврда касаба союз спорт жамиятларида 700 минг ишчи ва хизматчи бадан тарбия олди. Спортнинг ҳарбий-амалий турларини ўрганди, маҳоратини оширди.

Биз Бутуниттифоқ касаба союзларининг XV съезди арафасида турибмиз. Узбекистон касаба союзларининг бугун иш бошлаган X съезди ҳам қилинган ишларга якун ясаб, камчиликларни бартараф этиш йўлларини кўрсатади. Касаба союз ташкилотлари ишини КПСС XXIV съезди қўйган вазифаларни муваффақиятли бажаришга йўллайди.

Мамлакат Юсуфжонова ҳалол меҳнатидан иззат-обрўли бўлди, бахтини топди. У Янгийўл шаҳридаги пойафзал фабрикасининг илғор тикувчиларидан бири. Жамоат ишларида актив қатнашади, касаба союз ташкилоти топшириғини сидқидилдан адо этади. У ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб бажармоқда.

А. Тўраев фотоси.

СЎЗ — СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА

ҚУРИЛИШЛАР СИФАТИ

Давлат қабул комиссияси қўрғошин-рух бойитиш фабрикасининг сўнгги хўжалиги, қуйиш цехи ва изотоплар лабораторияси, сув иншоотлари, сут заводи ва Бахт уйини «аъло» баҳолар билан қабул қилиб олди. Бу «Узэлектромонтаж» Олмалиқ шаҳар бошқармаси коллективининг бир йиллик иш фаолиятига берилган юксак баҳо эди. Бошқармамиз Олмалиқ шаҳридаги энг илғор қурилиш ташкилотларидан бири. КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун ғайрат билан меҳнат қилаётган бошқарма қурувчилари ўтган йил планини муддатидан анча аввал ошириб бажарди.

Партия ва касаба союз ташкилотлари саноат объектлари қурилишининг сифатли бажарилиши ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Қурилиш сифати ўзаро социалистик мусобақанинг асосий мезони бўлиб қолган. Касаба союз ташкилотининг ташаббуси билан ҳар бир қурувчи ўз ҳамкасбининг ишини назорат қилиб боради. Натижа ёмон бўлмаяпти.

«Узэлектромонтаж» Олмалиқ шаҳар бошқармаси коллективи тўқкизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида мис эритиш заводининг шлам-кукун цехи, тажриба-саноат участкаси, ҳунар-техника билим юрти, мактаблар, турар-жой, болалар боғчаси ва бошқа қурилиш объектларини фойдаланишга топширишлари лозим.

Узбекистон касаба союзларининг X съезди янги меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олинди. Январь ва февраль ойлари учун белгиланган планларни ошириб бажардик.

Мамажон САИДОВ,
«Узэлектромонтаж»нинг Олмалиқ шаҳар бошқармаси бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

МЕҲНАТ ЗАВҚИ

Фабрикамиз Андижондаги илғор корхоналардан бири. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш планлари мунтазам ошириб бажарилмоқда. Ишчилар меҳнатининг намунали ташкил этилгани ва коллектив орасида социалистик мусобақа кенг ёйилгани ютуқлар омили бўлаётир.

Ҳар бир ишчи ва цех коллективи ўзаро мусобақадош. Касаба союзлари фабрика комитети мусобака шартларининг бажарилишини ҳар ой ва квартал охирида якунлаб боради. Фабрикада мусобақанинг олий формаси бўлган коммунистик меҳнат ҳаракати кенг қулоч ёйган. 400 дан ортиқ ишчи ана шу қутлуғ номга сазовор бўлиш учун ўзаро мусобақалашмоқдалар.

Коллективимиз ўртасида бошланган мусобака ўтган йили айниқса яхши самара берди. Тўқкизинчи беш йилликнинг биринчи йили плани ошириб бажарилди. Пландан ташқари 223 минг сўмлик бадиий буюмлар реализация қилинди. Шу йилнинг январь ойи планида эса пландан ташқари 40 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Корхонамиз юксалиш йўлидан боряпти. Маҳсулот ишлаб чиқариш суръати мунтазам ошиб бормоқда. Бу йил маҳсулот ишлаб чикариш ҳажми 20 процент кўпаяди. Пландан ташқари 4 минг дона рўмол, 6,5 минг дона дўппи ва 3,6 мингта бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқарамиз.

Инобатхон БОЛТАБОЕВА,
Андижон шаҳридаги бадиий буюмлар фабрикасининг директори.

НУР ҚУЙИНИДА

Хоразм инқилобидан аввал воҳада фақат битта электр движоги бор эди. У ҳам бўлса хоннинг саройи — Нуруллабойни ёритиш учун ишлатиларди. Эндиликда Хоразм нур қўйнига ғарқ бўлган. Фақат шаҳар ва район марказларидагина эмас, энг узоқ қишлоқларда ҳам хонадонларни Ильич нури ёритмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари, колхоз ва совхозларда барча ишлаб чиқариш жараёнлари тўла электрлаштирилган. Ўтган йилнинг ўзида область бўйича 207 миллион киловатт-соат электр энергияси реализация қилинди.

Хоразм электр тармоқлари корхонаси коллективи республика касаба союзлари X съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олаётир. Корхона касаба союзлари завод ташкилоти ўзаро социалистик мусобақага раҳбарлик қилмоқда. Ишлаб чиқаришга жорий қилинган 45 та рационализаторлик таклифи 20 минг сўмлик иқтисодий фойда берди.

Касаба союзлари завод комитети энг яхши электромонтёр, мастер ва монтёрлик пункти деган номни олиш учун социалистик мусобақани қизитиб юборди. Карим Шарипов ва Эркин Нурматовлар республика Энергетика ва электрлаштириш министрлиги бўйича энг яхши мастер деган ном олдилар.

Жуназар ЕҚУБОВ,
Хоразм электр тармоқлари корхонасининг электр монтёри, касаба союзлари цех комитетининг аъзоси.

УЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИДА

ИШЧИ СИНФИ МАДҲИ

Республика кинотеатрлари, клублари, маданият уйлари ва саройларида ишчилар синфига бағишланган «Меҳнат мадҳи» темасида хроникал-хужжатли ва бадиий фильмлар кинофестивали бошланди. Кинофестивал репертуарида «Катта ҳаёт», «Катта оила», «Кўнгиллилар», «Тунги смена», «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар», «Ишчилар синфи ҳақида поэма», «Комсомольск» ва бошқа фильмлар бор.

ТЕАТРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

Туркистон ҳарбий округи қисмларига маданий хизмат кўрсатиш юзасидан оталиқ ёрдами тобора яхшиланмоқда. Республикадаги театр ва концерт ташкилотлари ҳамда коллективлари, «Билим» жамияти бўлимлари, ижодий союзлар, маданият муассасалари ҳарбий округ қисмларининг жангчилари ўртасида жуда кўп чиқишлар уюштирдилар, доклад ва лекциялар ўқидилар.

КПСС XXIV съездига тайёргарлик кўрилаётган кунларда барча ҳарбий қисмлардаги жангчиларга маданий хизмат юзасидан оталиқ ёрдами ойлиги ўтказилди. Узбекистон касаба союзлари республика Совети Президиуми 1971 йилда жангчиларга маданий ишлар юзасидан намунали оталиқ ёрдами кўрсатгани учун Самарқанд областлараро рус драма театри коллективига кўчма Қизил байроқ тақдим этди.

ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИ КЎРИГИ

Республика область ва шаҳарларида касаба союзлари бадиий ҳаваскорларининг кўриги бўлиб ўтди. Унда театр, рақс хор коллективлари, халқ оркестрлари қатнашдилар.

Алишер Навоий номли опера ва балет театрида халқ талантларининг кўригига якун ясалади. Унда мингдан ортиқ ҳаваскорлар қатнашадилар Концерт Узбекистон касаба союзлари X съезди ва СССР касаба союзлари XV съездига бағишланади.

ТЎҚИМАЧИЛАР КЛУБИ

Самарқанддаги 26 Боку комиссари номли шойи тўқиш фабрикаси клуби КПСС XXIV съезди материалларини кенг пропаганда қилиш, кишиларни Коммунистик партияга садоқат, меҳнатсеварлик, интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасида бой тажрибага эга. Бу ерда «КПСС XXIV съезди — коммунизм қурувчилар съезди», «Партия режалари — халқ режаси», «Партия қарорларини амалга оширамиз» деган темаларда лекторий ва киноленторийлар ташкил этилган. Партия, касаба союз ва хўжалик раҳбарлари, лекторлар, «Билим» жамияти аъзолари бу ерда тез-тез лекция ўқийдилар, корхона ишлаб чиқаришини ривожлантириш юзасидан тўқкизинчи беш йиллик учун мўлжалланган планлар ва уларнинг бажарилиши ҳақида суҳбатлар уюштирадилар.

Клуб фаолияти корхона касаба союзлари фабрика комитети фаолияти билан узвий боғланган. Бу ерда ишчи ва хизматчиларга фан ва техника янгиликларини мунтазам таништириб бориш ва илғор тажрибаларни кенг пропаганда қилиш мақсадида «Инженер ва техниклар куни» ва «Мастерлар куни» ўтказиб турилади.

Фабрика том маънода ёшлар корхонасидир. Бу ердаги ишчи ва хизматчиларнинг кўпчилик қисмини йигит ва қизлар ташкил этади. Касаба союзлари фабрика комитети ташаббуси билан ёш ишчиларнинг меҳнат ветеранлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, коммунистик меҳнат зарбдорлари билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Ишчи йигит ва қизларнинг Самарқанд шаҳридаги тарихий ва революция ёдгорликларига экскурсиялари уюштирилмоқда.

Корхона агитбригадаси фабрика ишчилари ўртасида кенг миқёсда оммавий-сиёсий ишларни олиб бормоқда. Республика кўригида биринчи ўринни эгаллаган бу агитбригада коллективи энг яхши цех, ишлаб чиқариш илғорлари тажрибасини кенг ёяди, меҳнат интизоми ва социалистик меҳнат қоидаларини бузувчиларга қарши нураш олиб боради.

Корхона клуби ходимлари коммунистик меҳнат мактабининг тингловчиларига амалий ва методик ёрдам кўрсатмоқдалар. Улар учун лекциялар ўқиляпти, кинофильмлар намойиш қилинмоқда, тематик кўргазмалар ташкил этилмоқда. Ишлаб чиқилган план асосида дам олиш кечалари, концертлар, экскурсиялар ташкил этилмоқда.

Фабрикада ишчи аёллар кўп. Касаба союзлари фабрика комитети хотин-қизлар совети билан ҳамкорликда улар учун тематик кечалар, шаҳардаги бошқа корхоналарнинг ишчилари билан учрашувлар ўтказяпти. Кўпгина хотин-қизлар халқ университети тингловчиларидир, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида иштирок этадилар.

Шу кунларда фабрика клубида СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ерда интернационал дўстлик темасида кечалар, суҳбатлар, китобхонларнинг конференциялари ўтказиляпти. Катта сана олдидан лекция ва докладлар уюштирилади. СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги олдидан меҳнат вахтасида туриб ишлаётган ишлаб чиқариш илғорлари ва цехларда эришилаётган ютуқлар кўрсаткичи алоҳида стендларда ёзиб борилмоқда.

Самарқанддаги 26 Боку комиссари номли шойи тўқиш фабрикасининг клуби ва касаба союзлари фабрика комитети корхона ишчи ва хизматчилари ўртасида олиб бораётган бу ишлардан ўрнак олса арзийди.

С. ҚОСИМХУЖАЕВ.

МУСОБАҚАДА ҒАП КЎП

Корхонамиз — Иттифоқимиздаги йирик ипак комбинатларидан бири ҳисобланади. Унинг бағрида неча минглаб ишчилар эзгу ниятларини дилга жо этиб хизмат қилишади. Улар орасида қарийб ярим асрдан бери ўз касбини ардоқлаб келаётган меҳнат ветеранлари ҳам, корхона остонасига кечагина қадам қўйган ёш-яланглар ҳам бор. Уларнинг бошини қовуштириб, ҳамжиҳат ва ҳамфикр бўлиб, меҳнат қилиш ва яшашга ўргатиш, корхона марказини қадрлашга даъват этиш комбинат маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотларининг доимо диққат марказида турибди.

Эътироф этиш керакки, социалистик мусобақани яхши ташкил этиш, кишиларда меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришда янги методларни жорий этишга қизиқиш уйғота билиш доимо ижобий натижа бериб келган. Буни биз ўз тажрибамизда кўрдик. КПСС Марказий Комитетининг социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш ҳақидаги қароридан сўнг биз бу борада қилаётган ишларимизни яна бир карра чуқур таҳлил қилиб кўрдик. Фабрика комитети мазкур масала юзасидан икки марта йиғилиш ўтказиб, фабрика ҳамда цех комитетлари раисларининг ҳисоботларини тинглади. Ишимиздаги заиф ва юзаки томонлар аниқланиб, мусобақанинг таъсир кучини ошириш, меҳнат аҳлининг моддий ва маънавий манфаатдорлигини кучайтиришни кўзда тутадиган тадбирлар белгиланди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, хом ашё ва материаллардан тежаб-тергаб фойдаланиш, фақат аъло навли маҳсулот ишлаб чиқариш социалистик мусобақанинг асосий шартлари бўлиб қолди.

Комбинатимизда социалистик мусобақа оммавий тус олган десам муболаға бўлмас. Мана бу рақамларга эътибор берсангиз бу равшан бўлади-қолади. Бизда жами 6123 киши мусобақада қатнашади. Бошкачароқ қилиб айтганда, бу ҳаракатга 413 бригада, 32 участка, 24 смена ва 11 цех қатнашяпти, демандир. Шахсий ҳамда коллектив мажбуриятларнинг адо этилиши ой сайин корхона меҳнат аҳли умумий йиғилишида кўриб борилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, комбинатимизда тошкентлик тўқувчилар — Л. Казанцева ва Е. Губиналарнинг беш йилликни муддатидан олдин бажариш ҳақидаги ташаббусига бажонидил қўшилувчилар сони тобора кўпаймоқда. Ишлаб чиқариш илғорларидан 380 киши тошкентлик касбдошлари изидан боришяпти. Улардан 32 киши беш йилликни уч йилда, 80 киши 3 йилу беш ойда, 111 киши эса 3 йилу тўқиз ойда бажаришга аҳд қилишган. Бундай ташаббускорлар сафи тинмай кенгаймоқда.

Биринчи тўқув фабрикаси тўқувчиси коммунистик меҳнат зарбдори А. Тўхтасиновнинг ташаббуси ибратлирир. У бир йўла 20 станокни бошқаришга ўтди. Ипак ўраш цехи ишчилари Х. Шерматова, М. Исмоилова, И. Кригер ўртоқлар ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқдилар.

Мусобақани кенг қулоч ёздириш шиор ва даъватлар билангина чекланиб бўлармиди?! Биз мусобақа ғолибларини моддий ва маънавий жиҳатдан муттасил рағбатлантириб туришга алоҳида эътибор берамиз. Пешқадамларнинг суратлари комбинат ҳурмат тахтасидан тушмайди. Пешқадам ишчиларимизнинг номзодлари республика ва Бутуниттифоқ мусобақаларига тавсия этилади. Утган йилги Бутуниттифоқ мусобақаларида комбинатимизнинг энг яхши кишиларидан мастер Кодиров ва пилла пишируувчи Вожипова ўртоқлар ўз касбларининг устаси деб топилди ва эсдалик дипломлари билан тақдирланди. Уларга Қора денгиз бўйларидаги дам олиш уйларига бепул путёвка берилди. Бошқа кўплаб мусобақа илғорлари ҳам пул ва бошқа қимматбаҳо буюмлар билан тақдирландилар.

Хулоса қилиб айтганда, мусобақани кенг авж олдириш яхши самарадар бермоқда. Йиллик ва квартал топшириқлар системали ошириб адо этиляпти. КПСС Марказий Комитетининг СССР ташкил этилганлигининг эллик йиллигига тайёргарлик тўғрисидаги қарорига жавобан биз бу борадаги ишларимиз янада таъсирли ва самарали бўлиши учун ҳаракат қиляпмиз.

М. САРИМСОҚОВА,
Марғилон ипак комбинати касаба союз комитетининг раиси.

СССР — 50
РОССИЯ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
ҳафталиги

БУЮК ҚАРДОШЛИК

Ф. ТАБЕЕВ,
КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари.

◆ ◆

Кўпмиллатли мамлакатимиз халқлари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ярим асрлик тўйини зўр шодиёналик билан байрам қилишга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Тарих кўпмиллатли давлатларнинг жуда хилма-хил турларини кўрган. Кучли миллатлар нисбатан кичик миллатларга ўз ҳукмларини эзишга асосланган давлатларнинг тақдири бир хил бўлди — синфий, социал, ижтимоий ва миллий қарама-қаршиликлар гирдобида йўқ бўлиб кетди. Синфлар, халқлар ўртасидаги нотенг муносабатларга асосланган ҳар қандай жамиятнинг мустақил давлат сифатида узоқ яшайолмаслиги маълум. Ижтимоий тараққиёт қонуни шундай.

Партиямиз ва давлатимиз асосчиси В. И. Ленин халқлар ўртасида тенглик ва интернационал муносабатларга асосланган илмий программани ишлаб чиқди. Пролетар партияси, деб таъкидлаган эди Владимир Ильич, мумкин қадар йириқроқ давлат тузишга интилади, чунки бундай давлат меҳнаткашлар учун қулай бўлиб, халқларни яқинлаштириш ва бирлаштиришга интилади, лекин партия бундай давлатни зўрлик йўли билан эмас, балки ниҳоятда эркин, ҳамма миллатлар ишчилари ва меҳнаткашларининг қардошларча иттифоқи асосида қуради.

Мамлакатимиз халқлари Совет ҳокимияти йилларида шундай улкан йўлни босиб ўтдиларки, бошқа шароитларда бундай йўлни босиб ўтиш учун неча-неча асрлар керак бўлур эди. Совет Татаристони ҳам қардош халқлар оиласида буюк юксалиш йўлидан борди.

Ўтмишда зах ва қоронғи уйларини қора чироқ ёритиб турган ўлка бугунги кунда Иттифоқ бўйича ишлаб чиқарилаётган «қора олтин»нинг учдан бир қисмини етказиб бермоқда. Утмишда «совун пойдошлиги» деб ном чиқарган Қозон бугунги кунда самолётлар, жуда аниқ ишлайдиган гриборлар, каучук, кино пленкаси, полиэтилен, мураккаб модификаторлар етказиб бермоқда. Дин пешволари бор-йўғи битта профессионал актерлар труппасини ҳам чиқиштирмай, уларни диндан озган гумроҳлар деб эълон қилган эди. Бугунги кунда татар театри, операси, музика ва тасвирий санъати ўз тараққиётининг чўққисига кўтарилди.

Надежда Константиновна Крупская биринчи татар профессори Г. Камай Қозон университетининг ректори қилиб тайинланиши муносабати билан «Ильич буни кўрганида қандай қувонган бўлур эди» деб айтган эди. Бугунги кунда эса, республикамизда 9 мингдан зиёд илмий ходимлар бўлиб, уларнинг катта кўпчилигини меҳаллий миллат вакиллари ташкил этади.

Бундан 50 йил муқаддам бутун Татаристоннинг ёш ва кекса аҳолиси саводсизликка қарши ёппасига юриш бошлаган эди. Саводсизликни тугатишдан, алифбедан иш бошлаган автоном республикамиз бу беш йилликда умумий ўрта таълимни амалга оширишга киришди.

Хаёлий «Қуёш шаҳри»нинг биринчи граждани Томмазо Кампанелла инквизация зиндонида ётганида «ҳамма биргаликда турлитуман фанларни ўрганадиган» давлатни орзу қилган эди. Дунёда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлати эришган ютуқлар ҳали кўпчилик капиталистик мамлакатлар учун ҳамон хаёл бўлиб қолмоқда. ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг маълумотларига қараганда, ҳозир ҳам ер юзида ёзиш ва ўқишни билмайдиган одамлар сони 750 миллион кишидан ошади.

Маърифатчилик тарихидан шундай бир мисолни келтириб ўтишни истардим. Тараққийпарвар маърифатчи А. Бурашев император Екатеринага мурожаат қилиб, Россия империясининг шарқий чеккаларидаги туб аҳоли учун Қозонда «Осиё китоблари» босишга руҳсат сўраган эди. Риёкорлик билан ўзини санъат ва маърифат ҳомийси қилиб кўрсатувчи «ҳазрат олиялари» фақат «муқаддас қуръон»ни нашр қилишга розилик берган экан. Ҳозирги кунда Қозон босмахонаси Россия Федерациясидаги энг йирик нашриётлардан бўлиб, китобхонларимиз жаҳон ва рус адабиёти классикларининг асарларини, миллий совет республикалари ёзувчиларининг асарларини ўз она тилларида ўқимоқдалар.

Ленинча миллий сиёсатнинг энг буюк самараларидан бири — мамлакатимизда кишиларнинг янги бирлиги — совет халқининг таркиб топиши бўлди. Пролетар интернационализми улар дунёқарашининг, маънавий дунёсининг ажралмас қисмидир.

Кишилар қутб ортидаги Норилскда, Мангишлоқ конларида, Кама автозаводида — хуллас, бепоён Ватанимизнинг қайси бурчагида яшамасин, уларнинг ҳаммаси ягона социалистик Ватаннинг, ягона интернационал оиланинг фарзандлари бўлиб, улар яратаётган моддий ва маънавий бойликлар бутун совет халқининг мулкидир. Улар бир ёқадан бош чиқариб, Ватанимиз бойлигини тобора кўпайтирмоқдалар.

Бундан икки йил муқаддам скрейперчи Аёз Носиров тўққизинчи беш йилликнинг асосий қурилишларидан бири бўлган Кама автомобиль гиганти майдонига илк бор қадам қўйган эди. Ҳозир бу ерда эллик мингдан зиёд қурувчилар армияси меҳнат қилмоқда. Руслар ва татарлар, украинлар ва қозоқлар белоруслар ва ўзбеклар, грузинлар ва арманлар — мамлакатимиздаги элликдан зиёд миллат фарзандлари аҳил ишчи коллективида ишлашмоқда.

Қурувчилар бу ерга мўмай пул ишлаш учун келишгани йўқ. Завод ва шаҳарни бунёд этиш учун жуда катта куч-ғайрат сарфлаш лозим. Улар ишда юз берётган қийинчиликларни мардонавор енгиб, ўзларида интернационализм, ватанпарварлик туйғуси, Ватан олдидаги бурчни ҳис этиш нақадар юксак эканлигини намойиш қилмоқдалар.

Тўққизинчи беш йилликда автоном республикамиз меҳнаткашлари улуғвор режаларни амалга оширишлари лозим. Нижнекамскда химия гигантлари, машинасозлик корхоналари қад кўтариши даркор. Капитал қурилиш ҳажми нақадар ошиб бораётганлигини шу мисолдан ҳам билса бўладики, биргина Кама автозаводи қурилишига ўтган беш йилликда бутун автоном республикамизда сарфланган капитал маблағ ажратилган. Татаристонга бу беш йилликда ўтган беш йилликдагидан икки ярим баравар кўп моддий ресурслар етказиб берилади.

Татаристон меҳнаткашлари қардош республикалар ва социализм мамлакатлари ҳалқлари олдидаги интернационал бурчларини шараф билан бажармоқдалар. Нефть конларимизнинг ўсиши, ишимиз сурватининг кучайиши фақат мамлакатимиз химия корхоналари юксалишини эмас, балки Шарқий Европадаги йирик индустриал комплексларнинг ҳам муваффақиятли ишлашини таъминлайди.

Татаристон меҳнаткашлари СССР ташкил этилган кунинг ярим асрлик юбилейини ана шундай даврда шавқ-завқ билан кутиб олмоқда. Олдимизда катта вазифалар турибди. Бу вазифаларни ҳал этишда биз ёлғиз эмасмиз. Бу ишчи ишончли маслакдошларимиз, сафдошларимиз ёрдамида, бутун совет халқи кўмагида муваффақиятли ҳал этишимизга шак-шубҳа йўқ.

«ҚОРАЧОЙ» халқ ашула ва рақс ансамбли (Қорачой район маданият уйи) Бутунроссия бадиий ҳаваскорлари кўригининг икки марта лауреатидир. Ижодий коллектив 37 кишидан иборат. Улар турли касб эгалари. Суратда: ансамбл қатнашчиларидан бир группаси.

К. Тарусов фотоси, (ТАСС).

ЯНГИ УРФ-ОДАТЛАР — ҲАЁТГА

Наманган область партия комитети СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги олдидан идеология ходимларининг бир кунлик семинар-кенгашини ўтказди. Семинар-кенгашда область партия комитетининг секретари Ўртоқ Т. Рўзибоев «Янги урф-одатлар ва маросимларни меҳнаткашлар турмушига жорий этиш — идеология ишининг муҳим соҳаси» деган темада доклад қилди.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маданият бўлимининг мудири Ғ. Нажимовнинг «Янги урф-одатларни турмушга жорий этиш учун кураш — диний қарқитларни тугатишнинг муҳим шарти», Наманган шаҳар партия комитетининг секретари Р. Муҳаммаджоновнинг Наманган шаҳар партия ташкилотининг янги урф-одатларни ва диндан ҳоли анъаналарни меҳнаткашлар турмушига жорий этишдаги фаолияти, «Наманган ҳақиқати» газетасининг редактори Л. Ҳамроевнинг «Янги урф-одат маросимларини оммалаштиришда матбуотнинг роли» ва бошқа мавзулардаги докладлар тингланди.

Семинар-кенгаш ишида область партия комитетининг биринчи секретари А. Хўжаев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЮСТИЦИЯ ВА СУД ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Юстиция ва суд органлари ходимларининг республика кенгаш-семинари Тошкентда уч кун давом этди. Унинг ишида халқ судьялари, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Олий судларининг аъзолари, область ва Тошкент шаҳар судларининг аъзолари, область юстиция бўлимларининг раҳбарлари, Ўзбекистон ССР Юстиция министрлигининг ходимлари ва республикадаги бошқа маъмурий органларнинг ходимлари қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР юстиция министрининг биринчи ўринбосари Н. Б. Бўрихўжаев юстиция ва суд органларининг 1971 йилги иш якунлари ва уларнинг КПСС XXIV съезди қарорлари асосидаги вазифалари тўғрисида доклад қилди. Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг ўринбосари А. В. Добронравов область ва халқ судлари жиноий ҳамда гражданлик ишларини кўриб чиқаётганларида социалистик қонунчиликка қандай риоя қилаётганликларини ўзининг докладида айтиб ўтди.

Кенгашда СССР юстиция министрининг ўринбосари Н. А. Осетров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъмурий органлар бўлими мудири В. Н. Қодиров, республика юстиция министри М. С. Восиқова нутқ сўзладилар.

Семинар машғулотларида қатнашган юстиция ва суд органларининг ходимлари айрим категориялардаги ишларни кўриб чиқиш практикаси, профилактика ишларининг ва суд фаолияти ўтказаётган тарбиявий таъсирнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида бир қанча ахборотлар тингладилар.

(ЎзТАГ).

ЗАБАРДАСТ КОРХОНА

М. В. ФРУНЗЕ НОМЛИ ҚУВАСОЙ ЦЕМЕНТ КОМБИНАТИГА 40 ЙИЛ ТЎЛДИ

Комбинатнинг кўкка бўй чўзган салобатли трубалари узоқ-узоқлардан кўзга ташланади. Булутларга интилаётган пага-пага оқиш тутунлардан корхона юрагининг гупуллаб уриб турганини пайқайсиз.

Яқинда ана шу забардаст корхона ва унинг шижоаткор коллективи ўзининг тантанали юбилейини ўтказди. Коллектив босиб ўтган 40 йил — ирмоқлар қўшилишидан мавжланган тошқин дарёни эслатади. Ҳақиқатан ҳам ўтган қирқ йил ичида комбинат юксалди, қуввати беқиёс даражада ортди. Қанчақанча донгдор ишчилар, малакали мутахассислар, ижодкор рационализаторлар ва ишлаб чиқариш командирлари шу даргоҳда чиниқиб, камол топди.

Корхона иш бошлаган дастлабки 1932 йили кўп машаққатлар эвазига ҳаммаси бўлиб 42,5 минг тонна цемент ишлаб чиқарилган эди. Янги қувватларни ишга тушириш, ишлаб чиқариш технологиясини муттасил такомиллаштириш, коллективнинг ижодий меҳнати ва ташаббускорлигини тинмай ошириш туфайли цемент тайёрлаш дастлабки йиллардагига нисбатан қарийб 19 баравар, меҳнат унумдорлиги эса 13 баравар кўпайди.

Кейинги йилларда шифер заводи, қурилиш материаллари корхоналари қўшилиб комбинат да маҳсулот турларини кўпайриш учун қулай вазият вужудга келди. Ҳозир комбинатда қурилиш ишларига мўлжалланган ўн хилдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Шифер, оҳак, гипс ва бошқа хил маҳсулотлар тайёрлаш суръати янада жадаллашди. Илгари бутун бир йил давомида тайёрланадиган оҳак эндиликда бир ойда ишлаб чиқариляпти.

Ўтган йилнинг ўзида тақдим этилган 89 та рационализаторлик таклифларидан 80 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бундан 130 минг сўм иқтисодий фойда олинди. П. Поркин, Л. Фатхуллина, А. Кошлев каби рационализаторлар айланма печнинг иссиқликка чидамлилигини анча оширишга имкон берадиган қимматли таклиф киритдилар. Бу таклиф амалга оширилгач, корхонанинг 27 минг сўм маблаги тежаб қолинди. М. Сотиболдиев, В. Зайцев, А. Лупенцов, В. Кинязева сингари рационализаторларнинг оҳак ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга доир таклифлари ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳар бир корхонанинг ўз жонкуярлари бўлганидек, Қувасой цемент комбинатининг ҳам суянган тоғлари, ишлаб чиқариш фидокорлари талайгина. Оддий темирчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сулаймон Нишонов, меҳнат ветерани, Ленин орденли ишчи Ўктам Тешабоев, устоз ишчи Николай Морозов сингари ўнлаб новаторлар корхона ривожи учун тинмай курашдилар, ёшларни тарбиялаб, ишчи номини улуғлашга ўргатдилар.

Комбинат маъмурияти, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ишчи кадрлар малакасини тинмай оширишга, ҳар бир ишчининг камида иккита касбни эгаллашига катта аҳамият бермоқдалар. Икки касбли ишчилар синфининг ўсиши кўплаб ишчи кучларини керак бўлиб қолган тақдирда бошқа ишларга кўчириш ва иш ҳақи маблағларидан тежаб фойдаланишга имкон бермоқда. Уларнинг бу ҳайрли тадбирлари ва тўплаган тажрибалари республикамиздаги кўпгина цемент ишлаб чиқариш корхоналари учун ибрат олса арзигулидир.

— Ҳали олдимизда катта вазифалар турибди, — дейди комбинат директори Қ. Ғаниев, — янги беш йилликда корхонамизни янада йириклаштириш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва такомиллаштириш мўлжалланмоқда. Ҳозир, бу ерда махсус цемент ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Беш йиллик охирига бориб эса комбинат ҳар йили 1 миллион тонна цемент ишлаб чиқарадиган бўлади.

Меҳнатсевар комбинат коллективи етказиб бераётган сифатли цемент биргина республикамизда эмас, ҳатто қардош республикалардаги улкан иншоотлар қурилишларида ҳам асқотяпти. Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон республикалари бинокорларидан Қувасой цемент комбинати дирекциясига тез-тез раҳматномалар келиб турибди. Бу — корхона коллективида фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотмоқда, уларни янги меҳнат зафарларига чорламоқда.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири,
Х. УМАРОВ,
«Коммуна» газетаси ходими.

ҚАЧОН РЕМОНТ ҚИЛАСИЗ?

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

Ленин номли совхоз директори Ж. Қурбонов билан суҳбатлашсангиз, бутун куч ва имкониятлар техника ремонтини тезкорлик билан тугаллашга сафарбар этилганлиги ҳақида мағрурланиб гапиради. Лекин ҳақиқий аҳвол билан танишилса, хўжаликда ремонт ишлари ўлда-жўлда ётгани аён бўлади. 42 та плугдан энди 6 таси ремонт қилинган, 17 та чизелдан бор-йўғи 3 тасига қўл урилган. Бороналар, дори сепиш агрегатлари устахонада навбат кутиб ётибди.

Маълумотга қараганда, ер ҳайдаш тракторлари ремонти деярли тугалланган. Тўғри, бу борада озми-кўпми иш қилинди. Бироқ, ўша маълумотда тилга олинган, ер ҳайдашга тайёр деб ҳисобланган тракторлардан учтаси бузилганича ётибди.

«Коммунизм» колхози ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажара олмади. Техникани вақтида ремонт қилмаслик, малакали механизатор кадрлар тайёрламаслик бунинг асосий сабаби бўлди. Лекин колхоз раҳбарлари аччиқ сабоқдан тегишли хулоса чиқариб олганларича йўқ. Ер ҳайдаш, чопиқ тракторлари, осма ва тиркалма агрегатларнинг бир қисми устахонада қаровсиз ҳолда ётибди, бир қисми эса ҳали далалардан келтирилмаган. Колхоз бош инженери Раҳмон Худойбердиев юз берган жиддий аҳволни тузатиш ўрнига «ҳали фурсат эрта, кўклам экин кампанияси бошлангунча ҳамма ишни битказамиз» деган зарарли кайфиятда юрибди.

«Октябрь» колхозининг бош инженери Бобо Оташев, устахона мудири Дурум Сафоев «техника воситаларини ўз кучимиз билан ремонт қиламиз» деб ваъда берган эдилар. Баҳор бошланиб кетди. Аммо на ҳайдов, на чопиқ тракторлари мавсумга тайёр эмас. 17 ҳайдов трактори ва бошқа агрегатлар ҳам лойга қоришиб ётибди.

Бундай ачинарли аҳволни райондаги Жданов номли, Фрунзе номли, Ленин номли колхозларда ҳам учратиш мумкин. Шуниси ажабланарлики, бу хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам фурсат эрта деган зарарли кайфиятдан қутула олмаётирлар. Эҳтиёт қисмлар йўқ экан, уни ким келтириб беради? Ремонт ишлари чўзилаётган экан, уни ким тезлаштиради? Колхозларда узоқ йиллардан буён хизмат қилиб келаётган ремонтчи усталар, ажойиб механизаторлар бор-ку! Нега улар ҳозирги долзарб кунларда ремонт ишларига тортилмайди?

Ремонтнинг чўзилиб кетишига «Узсельхозтехника» район бирлашмаси раҳбарлари ҳам айбдор. Улар устахоналарда ишни икки сменада ташкил қилишга ёрдам бермаётирлар. Аҳвол шундай давом этаверадиган бўлса, саноқли кунлардан кейин «аттанг» деб ер чизиб қолиниши турган гап. Ўйлаймизки, Ҳазорасп район партия ва совет ташкилотлари кўклам экин кампаниясининг тақдирини ҳал қилишга даъват этилган техника ремонтчиларига нисбатан талабчанликни кучайтирадилар, йўл қўйилган камчиликларни тузатишга қаратилган чоралар кўрадилар.

А. РЎЗИМЕТОВ,
«Узсельхозтехника» Хоразм область бирлашмасининг катта инженери.
И. АБДУРАҲИМОВ,
Район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош инженери.
О. ҚОСИМОВ,
«Коммунизм байроғи» район газетасининг ходими.

Конкурс якунлари

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган яккахон ҳаваскор хонандаларнинг республика конкурси якунланди. Уч кун давомида Тошкентдаги «Баҳор» концерт залида халқ талантларининг жарангли қўшиқлари янграб турди. Республикамизнинг барча областларидан конкурсга 438 нафар ёш ижрочилар ташриф буюришди. Шулардан 286 киши қўшиқчи-солистлардир. Ҳаваскор хонандаларнинг бу кўрик — конкурси жиддий мусобақа тарзида ўтди ва энг яхши истеъдодларни юзага чиқарди. Талабчан жюри аъзолари 5 ёш ижрочининг маҳоратини юқори баҳолади. Фарғоналик Саёҳат Маликова, андижонлик Турғуной Сотиболдиева, қашқадарёлик Ўлмас Саиджонов, хоразмлик Роҳатой Авезова ва қорақалпоғистонлик Гулистон Жумановалар биринчи даражали диплом олдилар ва конкурс лауреати бўлдилар. 30 киши энг яхши ижрочи деб топилди. Юзга яқин ёш талантлар фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. Конкурс ғолиблари қимматбаҳо эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Ёш истеъдодларни республика конкурсига тайёрлашда ва қатнаштиришда катта ташаббус ва ташкилотчилик кўрсатган Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССР коллективларининг бадиий раҳбарлари ҳам фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Конкурс ғолиблари катта программада якунловчи концерт бердилар.

Умуман, ҳаваскор яккахон хонандаларнинг республика конкурси янги истеъдодлар, янги номларни намоён қилишда жуда катта роль ўйнади.

А. ЮСУПОВ.

Суратларда: (чапдан) конкурс қатнашчиларидан наманганлик М. Дадабоева ва сирдарёлик Х. Нишонова.

Б. Мансуров фотолари.

Турли касб эгалари

Баракали ИЖОД

Бу киши ҳузурига қачон кириб борманг, ҳамиша меҳрибонлик билан кутиб олади. Сўзингизни қунт билан тингларди ва ўз жавоби билан кўнглингизни тоғдай кўтариб юборади. Унинг тиниқ табассум балқиб турган кўзларига қараб, «бу одам умрида бировга тарақча озор бермаган бўлса керак» деб ўйлайсиз. Фикрингизни «Саодат» қизлари бир овоздан тасдиқлайдилар. «Ҳа, бизнинг масъул котибимиз бағри кенг одам. Ғиналикдратдан, дағалликдан кейин туғилганлар. Иш кўпайиб кетган вақтларда ҳам бирон марта қовоқ уйганларини, жаҳлларини чиққанини кўрган эмасмиз».

Масъул котиб... Салоҳ ака деярли йигирма йилдан бери «Саодат» журналининг масъул котиби бўлиб ишлаб келмоқда. У ҳамма бўлимлардан талабчанлик билан материаллар ундириб, ўринмай таҳрир қилади, кейин мазмунига қараб саҳифаларга чиройли жойлаштириш режасини тузади. Босмахона билан алоқада бўлиб, журналнинг беҳато ва нуқсонсиз босилишига раҳбарлик қилади. Шу билан бирга республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларини кезиб, қанчаданканча очерк, лавҳалар ёзади. Журналнинг оммалашувида, тиражи (1953 йил) 17 мингдан ҳозирги ярим миллионга етишида унинг ҳам ҳиссаси бор.

Салоҳ ака «Совет Ўзбекистони» газетасида ўн етти йил ишлаб, Аъзам Аюпов ва Комил Алиевлар билан бирга хизматда бўлиб, улардан ўрганди, чиниқиб борди. Ҳаёт тақозосини чуқур ҳис этиб, қалам тебратди. Очерк ва лавҳаларида янгилик куртакларини излашга, илғор ташаббусларни кенг ёйишга интилди. Мана бир мисол: «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1934 йилги сонларидан бирида Салоҳ Ҳасановнинг «Машина ишқибози» сарлавҳали очерки чиққан. Унда Ғиждувон районлик Усмон Норовнинг пахтачиликни механизациялаш ҳақидаги ташаббуси, звено ёришган ютуқлар ҳикоя қилинган. Шу очерк ёритилгач, редакцияга «Усмон Норовдан ўрнак оламиз» деган мазмунда юзлаб хатлар келган...

Хўш, Салоҳ ака қандай қилиб журналист бўлиб қолган? Салоҳ Ҳасанов 1928—1929 йилларда Тошкентдаги Нариманов номли техникумда ўқиб юрганидаёқ газета-журналларга шеър ва хабарлар юборар эди. Бир куни ёш ўқитувчи Салоҳ Ҳасанов шоир Ҳамид Олимжондан хат олди.

«Ўртоқ Салоҳ Ҳасанов, шеърларингиз бизга маъқул. Редакциямизга бир келсангиз». 1931 йил июлида биринчи марта у редакцияга кириб борди. Ҳамид Олимжон у билан суҳбатлашиб, газетада ишлашга таклиф қилди. Қирқ йилдирки, Салоҳ Ҳасанов журналист. Унга газетачиликни биринчи ўргатган Ҳамид Олимжон бўлди.

С. Ҳасанов кейинги йилларда таржима билан астойдил шуғулланмоқда. «Ибодулланинг қайтиб келиши», «Ўн етти ёшли қизлар», «Ғазаб алангаси», «Ўт ичида», «Интизор» каби қисса ва ҳикояларни, оммабоп рисолаларни таржима қилиб, ўзбек китобхонларига тақдим этди.

Ўзбек совет матбуотининг ғаройиб ишчиларидан бири, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Салоҳ Ҳасановни олтмиш ёшга тўлган кун билан қутлаб, унга сиҳатсаломатлик, баракали ижодида муваффақиятлар тилаймиз.

Б. МАҲМУДОВ.

АХБОРОТ

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Мутахассислар университети

Ғаллаоролда қишлоқ хўжалик билимлари халқ университети иш бошлади. Унга қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Е. Бессонова жамоатчилик асосида ректорлик қиляпти. Бу ерда машғулотлар қатъий программа асосида олиб борилаётир. Университет машғулотларига 50 дан зиёд мутахассис қатнашмоқда. Самарқанд область Ғаллаорол районидаги Ўзбекистон ламмикор деҳқончилик илмий-текшириш институти ҳузурида иш бошлаган университет қишлоқ мутахассисларнинг илмий ҳамда амалий малакасини ошириш катта ёрдам бераётир. «Жаҳоннинг ғалла зонаси», «Жазоир республикасининг деҳқончилиги» каби мавзуларга бағишланган машғулотлар маъроқли ўтди.

А. НОСИРОВА

Ишчилар ҳузурида

Ишлаб чиқаришни планлаштириш ҳамда бошқаришнинг автоматлашган системасини жорий этишда кибернетиканинг нафи катта бўляпти. Халқ хўжалигининг турли тармоқларидан олинадиган ахборотларни тўплаш, қайта ишлашда кибернетика мутахассисларга жуда қўл келяпти. Меҳнат Қизил Байроқ орденли кибернетика институти олимлари бу соҳада эришилган ютуқларни тарғиб этишда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Улар республиканинг турли шаҳарлари йирик корхоналарига бориб «Кибернетика куни» деб аталувчи учрашувлар ўтказишяпти. Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ, Ангрен шаҳарлари корхоналари ишчилари билан бўлган учрашувлар қизиқарли ўтди. Яқинда бир группа олимлар академик, республика Беруний мукофоти лауреати В. Қобулов бошчилигида Янгийўл ишчилари ҳузурига бордилар. Улар нон, пахта тозалаш ва биохимия заводлари ишчи-хизматчиларига кибернетиканинг халқ хўжалигидаги афзалликлари ҳақида сўзлаб беришди.

Қ. КАМБАРОВА.

Навбатдаги машғулот

Тошкент область партия комитети ташкил этган идеология ходимлари университетининг навбатдаги машғулоти бўлди. Машғулот иштирокчилари бу сафар олти лекция ҳамда суҳбатлар тинглашди. Университет машғулотларида тарих фанлари доктори А. Йўлдошевнинг «КПСС XXIV съезди ҳозирги даврда халқаро коммунистик ҳаракатнинг ривожланиши ҳақида», тарих фанлари кандидати Н. Касенковнинг «КПСС XXIV съезди қарорларида марксча-ленинча назариянинг ривожлантирилиши», область партия комитети сиёсий маориф уйининг мудири А. Сергеевнинг «КПСС XXIV съезди қарорлари муносабати билан коммунист ва комсомол аъзоларининг марксча-ленинча таълимотни ўрганиш соҳасидаги вазифалари» мавзуларидаги суҳбатлар катта эътибор билан тингланди.

Ш. МИРАЛИМОВ.

«Тронка» ансамбли Нукусда

Украин шоири Т. Г. Шевченко номи билан боғлиқ икки билим манбаи — Қорақалпоқ давлат педогогика институти ва Ленин орденли Киев давлат университети студент-ёшлари ўртасида дўстлик алоқалари кўпдан бери давом этиб келмоқда. Яқинда киевлик студентларнинг 31 кишилик «Тронка» эстрада ансамбли ва «Ёшлик» ашула-рақс группаси нукуслик ўлажак педагоглар меҳмони бўлишди.

Украин ёшлари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиалида Тахиатош ГРЭСида бўлиб, олим ва қурувчиларга ўз концерт номерларини намойиш этдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

Делегация қайтиб келди

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти президиумининг раиси тарих фанлари доктори Ҳ. Шукурова бошчилигидаги Совет делегацияси Даккадан Москвага қайтиб келди. Совет жамоатчилигининг вакиллари икки ҳафта мобайнида Бангладеш билан СССР халқлари ўртасидаги дўстлик ва жамиятнинг меҳмони бўлдилар.

(ТАСС).

Жаҳон бўйлаб

СССР — САМИМИЙ ДЎСТ

ЛАГОС, 1 март. (ТАСС). Нигериядаги «Эдванс» газетасида босилган мақолада Совет Иттифоқининг Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ривожланиб бораётган мамлакатларга нисбатан дўстона сиёсатига юксак баҳо берилади. Ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлган СССР, деб таъкидлайди газета, ривожланиб бораётган мамлакатларнинг миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун, империалистларнинг кирдикорларига қарши курашида уларнинг самимий дўсти ва иттифоқчисидир.

«Эдванс» газетаси Совет Иттифоқининг ривожланиб бораётган мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларига тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: Бу алоқалар тенглик, ўзаро манфаатдорлик, бир-бирига наф келтириш принципларига асосланган. Бу ҳамкорлик империалистик давлатларнинг «ёрдами»дан тамомила фарқ қилади. Империалистик давлатларнинг «ёрдами» нокобланган бўлиб, Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларини асоратга солиш ҳамда эзишга қаратилган.

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

БОННН, 1 март. (ТАСС). Бремен, Любек, Брауншвейг шаҳарлари ва Ғарбий Германиянинг бошқа шаҳарларида «1972 йил кўклам кампаниясига тайёргарликка бағишланган йиғилишлар ўтказилмоқда. Германия Федератив Республикасининг Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси билан тузилган шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги талаблар, шунингдек, хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан Умумевропа кенгашини 1972 йилдаёқ чақириш масаласи бу йиғилишларнинг диққат марказида турибди.

Любекда ўтказилган йиғилишда касаба союз активларидан Рольф Варнке нутқ сўзлади. У Германия Федератив Республикасининг Совет Иттифоқи ва Польша билан тузган шартномаларини тезроқ ратификация қилиш «ғоят муҳим» эканлигини таъкидлаб, «ана шу шартномаларга мос бўлиб тушадиган» сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш зарур эканлигини ҳам уқтириб ўтди.

БАНГЛАДЕШ. Мамлакат пойтахтида қурол-яроғларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Миллий озодлик курашида қатнашган партизан отрядлари ва студентлар ўз қуролларини топшириш учун пойтахт стадионига тўпланишди. Суратда: қурол-яроғларни топшириш пайти.

ТАСС фотохроникаси.

Британия оролларида Англия ҳукмрон доиралари билан Жанубий Родезия ирқчи маъмурлари ўртасидаги битимга қарши қатъий норозилик ҳаракати авж олаётир. Суратда: полициячилар норозилик намойиши қатнашчиларидан ўч олишмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

Р. НИКСОН ВИЗИТИГА ДОИР

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙГА САФАРИ ТУГАЛЛАНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАТБУОТНИНГ ЕЗГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Президент Р. Никсон Хитойга қилган сафаридан Вашингтонга қайтиб келди.

У матбуот учун берган баёнотида «бу визитимнинг асосий мақсади Хитой раҳбарлари билан алоқалар ўрнатишдан иборат бўлди» деди. Биз у ерда бир ҳафта туриб, деди президент, анчагина музокаралар олиб бориш билан чекланиб қолмасдан, шу билан бирга «бундай суҳбатларни келгусида давом эттиришга имкон берадиган механизмни ҳам вужудга келтирдик». «Биз, — деди сўзига Р. Никсон, — бизнинг замонамизда тинчликни таъминлашга кафил бўладиган ҳеч қандай ёзма ёки ёзилмаган битимларни ўзимиз билан олиб келганимиз йўқ. Қудратимизни сақлаб туриш учун бундан бўён ҳам жуда зўр бериб куч ва ғайрат сарфлаш зарурлигидан Америка халқини озод қилувчи ҳеч қандай мўъжизакор формулани ўзимиз билан бирга олиб келмадик».

Америка матбуотида якуниловчи ахборотнинг мазмунини муҳокама қилишга бағишланган бир қанча материаллар босилиб чиқди. Газеталар бу ҳужжатни турлича шарҳламоқдалар, лекин журналистларнинг кўпчиллиги Пекиндаги музокаралар чоғида нималар бўлдийкин, деган саволни қўймоқдалар, чунки мухбирларнинг айтишича қараганда, ахборотда ё четлаб ўтилган, ёки ноаниқ қилиб қолдирилган бир қанча масалалар бор.

Чунончи, «Уолл Стрит журнэл» газетасининг ёзишича қараганда, АҚШ билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида кандайдир эзлон қилинмайдиган ҳамжиҳатлик вужудга келган бўлса керак, бундай ҳамжиҳатлик тўғрисида ахборотда ҳеч бир сўз айтилмаган. «Америка ва Хитой раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган кенг суҳбатлар ахборотда кўрсатиб ўтилганига караганда кўпроқ масала ҳақида гаплашиб олинган. Улар келажакдаги сиёсат тўғрисида ахборотда айтилганига қараганда кенгроқ ҳамжиҳатликка эришган бўлишлари мумкин» деб ёзади газета.

«Вашингтон пост» газетасининг ёзишича, президентнинг ўзи бу сафарни «дунёни ўзгартирган воқеа» деб айтди. Бироқ, деб ёзади шу газетанинг обзорчиси Мардер ,«кўпгина мутахассисларнинг фикрига караганда президент Р. Никсон олиб борган музокаралар тўғрисида индамасликка чек қўйган Хитой — Америка ахбороти самарали натижалардан кўра анчагина чекланган натижалар берди».

«Нью-Йорк таймс» газетаси Америка — Хитой ахборотига «кўпгина масалалар хусусида келишмаслик тўғрисидаги битим бўлди, шу билан бирга низоли проблемалар устида музокаралар олиб бориш учун йўл очиб қўйди» деб баҳо бермоқда.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг иборасн билан айтганда, «икки мамлакат ўзларининг идеологик позицияларини расмий равишда баён қилиб берганликлари ўзининг мўътадиллиги билан диққатга сазовор» эканлигидан буржуа матбуоти айниқса мамнун бўлмоқда. «Хинди-Хитой ва Тайванга доир энг муҳим масалалар устида музокарадошлар атайин мужмалроқ бўлишга қарор қилганлар, лекин Пекин ўзининг қатъий йўлини янги ишончроқ йўл билан алмаштирганлиги очиқ кўринибди турибди» деб ёзади газета.

Пойтахтдаги «Вашингтон санди стар» газетаси эса бундай деб ёзади: «Никсонинг Хитойга қилган бу сафари Жануби-Шарқий Осиёдаги урушни бартараф қилишга қўшиши мумкин бўлган ҳисса Никсон визитининг асосий жумбоғи бўлиб турибди. Бу ҳисса ҳозир ҳам жумбок бўлиб қолмоқда. Шимолий Вьетнамнинг тўлиқ галабасидан кўра анча камроқ натижага эришиш тўғрисида Хитой раҳбарлари келишиб олишга ҳозирги босқичда тайёр бўлиб турибдилар деб таҳмин қилмоқ учун асослар бор» деб ёзади газета.

ВАСВАСАЛИ ВАЗИЯТДА

Анжела Дэвис устидан суд ўтказишни реакция аллақачондан бери планлаштириб қўйган эди. Мана шу суд Сан-Хоседа ҳукумат маъмурлари атайин авж олдираётган васвасали вазиятда бошланди. Калифорния ирқчилари — антикоммунистлар негр халқининг ҳуқуқи учун курашиб келган бу американлик актив коммунистдан ўч олмоқ учун суд мухокамасидан фойдаланиб қолиш умидидан ҳануз воз кечмаганликларини судининг биринчи куниёқ яққол кўрсатди.

Санта-Клара графлигининг полиция маъмурлари Калифорния штати тарихида мисли кўлмаган «хавфсизлик чораларини» кўрдилар. Бу чоралар Анжела Дэвис «иши» тевараги ҳеч бир асосиз асабийлик кайфияти тугдиришга, маҳаллий жамоатчиликни «фожиона можаролар келиб чиқиши мумкин» деган гаплар билан қўрқитиб, қора гуруҳлар туҳмати билан ўтказилаётган бу судни аҳолидан ҳамда Америка ва халқаро матбуот вакилларидан мумкин қадар яклаб қўйишга қаратилган чоралардир.

Хеддин-Стритдаги суд биносини тиш-тирноғигача қуролланган полициячиларнинг отряд-лари ҳамма томондан қуршаб турибди. Суд мажлиси ўтказилаётган кичкина залга 45 нафардан ортиқ киши сиғмайди. Судни ёритиш учун расмий равишда рухсат олган 270 нафар журналистнинг кўпчилиги, шу жумладан ТАСС мухбири ҳам суд мажлиси бўлаётган залга киритизмади. Бу журналистлар суд биносининг подвалида ўрнатилган махсус телевизор орқали судининг қандай бораётганлигини кузатиб туришга мажбур бўлдилар.

Америка қонунларига мувофиқ Сан-Хоседанги суд жюрининг 12 нафар аъзосини танлашдан бошланди. Суд тергов тамом бўлганидан кейин бу жюри аъзолари айбланувчининг айбдор ёки айбсиз эканлиги тўғрисида ўз қарорларини чиқаришлари керак. Шу сабабли судининг дастлабки мажлислари унинг қандай натижа билан тугашини кўп жиҳатдан белгилаб беради ва юристларнинг фикрича, катта аҳамиятга эга.

Анжела Дэвисни ва бошқа сиёсий маҳбусларни қутқариб олиш учун курашувчи миллий комитет раҳбарларидан бири ва Анжеланинг сингласи Фанна Жордан Дэвис ТАСС мухбири билан суҳбатда айтдики, «жюри аъзолигига номзодлар Санта-Клара графлигида расмий равишда рўйхатга киритилган сайловчилардан оддий қура ташлаш йўли билан танлаб олинаверади». Бу тартиб жюрини оз-моз бўлса ҳам чинакам ваколатли бўлиш имкониятидан маҳрум қилиб қўяди, чунки маъмурларнинг ўзлари ҳам эътироф қилиб айтишларига қараганда, Калифорниядаги намбағаллаларнинг аксарияти, аввало неграр ва бошқа майда миллатларнинг вакиллари умуман сайлаш ҳуқуқига эга эмас.

Жюри аъзолигига номзод қилиниб Сан-Хоседа судья Р. Арнасонга тақдим этилган 150 киши орасида фақат битта негр бор холос. Номзодлар рўйхатида асли мексикалик бўлган американликларнинг вакилларидан фақат ўн киши бор, ваҳолонки статистика маълумотларига қараганда Санта-Клара графлигидаги аҳолининг 16 проценти мана шундай асли мексикалик американликлардан иборат. Жюрига аъзо қилиб олиниши мумкин бўлган кишилар орасида кшчилар синфининг, шунингдек студент ёшларнинг вакиллари деярли йўқ. Шундай қилиб мард коммунист аёл Анжела Дэвис Америка жамоатчилигининг мана шу қисмига гражданлик ҳуқуқлари беришлиш учун курашга ўз ҳаётини бағишлаган бўлса ҳам аммо мана шу жамоатчилик доиралари Анжела Дэвис «ишини» кўриб, чиқишда қатнашишдан ҳақиқатда четлатиб қўйилмоқда.

Яна бунинг устига суднинг биринчи мажлиси жюри ҳайъати биринчи галда ирқчилардан ва антикоммунистлардан иборат бўлиши учун Сан-Хоседа суд маъмурлари ўзларининг қўлларидан келган ҳамма чораларни кўраётганликларини яққол аён қилиб қўйди.

Маҳаллий журналистлар Сан-Хоседа ўтказилаётган судда қораловчиларга прокурор ёрдамчиси Альберт Харрис бошчилик қилаётганлигига ҳам эътиборни жалб этмоқдалар. Альберт Харрис ашаддий ирқчи ва антикоммунист эканлиги бу ердагиларга яхши маълум.

Қораловчилар таклиф қилган ва судда рўйхати эълон қилинган «гувоҳлар» ҳам Калифорния реакциясининг ёвуз ниятн нимадан иборат эканлигини кўрсатиб турибди. Мана шундай 104 нафар «гувоҳ»дан 60 нафардан кўпроғи федерал тергов бюросининг штатдаги агентларидан, полициячилардан ёки турма органларининг ходимларидан иборат.

Ниҳоят, Калифорнияда ўлим жазоси беришни яна тиклаш учун Калифорния ультралари бошлаб юборган кучли кампания ҳам Американинг тараққийпарвар жамоатчилигини жиддий ҳаяжонга солмоқда. Калифорния штатида ўлим жазоси беришни яна тиклашни, жумладан Анжела Дэвис «ишини» бевосита ташкил этувчилардан бири бўлган прокурор Э. Янгер ҳам талаб қилаётганлиги назарда тутилса, коммунист Анжела Дэвисдан ўч олиш хавфи ҳақиқатда жуда жиддий эканлиги маълум бўлиб қолади.

Анжела Дэвисининг адвокатлари ва уни қутқариб қолиш ҳаракатининг активлари реакционерларнинг Анжела Дэвисга қарши сиёсий фитнасини фош қилиб ташлашни, жюри аъзолари ҳайъатига меҳнаткашларнинг ва АҚШдаги майда миллатларнинг вакилларини киритишни мақсад қилиб олиб, яқин фурсат ичида шу йўлда ҳаракат қилмоқчилар.

(ТАСС).

ҲИНДИ-ХИТОЙ ФРОНТЛАРИДА

ХАНОЙ, Ҳинди-Хитой ватанпарварлари Америка агрессорларига ва уларнинг малайларига қарши муваффақиятли жанговар ҳаракатларини давом эттирмоқдалар.

«Куанг Дой Нян зан» газетасида босилган уруш ҳақидаги маълумотларда бундай дейилади: Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучларининг Тхиатхиен вилоятида ҳаракат қилаётган жангчилари 16 февралдан 17 февралга ўтар кечаси Сайгон қўшинларининг Хюэдан 25 километр ғарби-жанубда жойлашган базасига ҳужум қилдилар. Ватанпарварлар душманнинг 130 солдатини қириб ташлаб, база гарнизонини тор-мор қилдилар.

Халқ озодлик қуролли кучларининг Сокчанг вилоятида (Меконг дельтаси) ҳаракат қилаётган жангчилари қўғирчоқ армия қўшинларининг Сангмифиок канали соҳилидаги позицияларига ҳужум қилдилар. Сайгон режими солдатлари ва офицерларидан 80 киши ўлдирилди ва яралар қилинди.

Ватанпарварлар 7 февралдан 13 февралга қадар Биньдинь вилоятида душманнинг 300 га яқин солдатини ўлдирдилар, 17 ҳарбий машинасини, тўрт вертолётини яксон қилдилар, омборлардаги 20 мингга яқин тўп снарядини ҳамда кўпгина бошқа ўқ-дори ва ҳарбий аслаҳа-анжомни портлатдилар.

Дастлабки маълумотларга қараганда, Марказий ясси тоғда ҳаракат қилаётган ватанпарвар кучлар 1 февралдан 10 февралга қадар душманнинг 200 дан кўпроқ солдатини сафдан чиқарганлар ва 104 ҳарбий машинасини, шу жумладан 26 танки ва бронетранспортёрини яксон килганлар.

Каосан Патет Лао агентлиги хабар беради: Лаос ватанпарварлари ҳозирги қуруқ мавсумнинг 100 куни мобайнида душманнинг 900 дан кўпроқ, шу жумладан 2800 ёлланма аскарларини сафдан чиқардилар, 60 самолётни уриб туширдилар, 300 дан кўпроқ қурол-яроғни шу жумладан 100 та оғир тўпни яксон қилдилар ёки ўлжа қилиб олдилар.

(ТАСС).

ПАНЖОБ КУНИ

Ҳиндистон штати бўлган Панжоб кунини ҳар йили март ойининг бошида нишонлаш Тошкент жамоатчилиги учун яхши анъана бўлиб колди. Ўзбекистон Панжоб штати билан яқиндан маданий алоқа боғлаган.

1 мартда республика пойтахтида навбатдаги ана шундай кеча бўлиб ўтди. Кеча катнашчилари миллий экономика ва маданиятни ривожлантиришда, тинчлик учун курашда ҳинд дўстларга янги муваффақиятлар тиладилар.

(ЎзТАГ).

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

Жониворлар ҳам...

Швейцариядаги Базель шаҳрининг полицияси махсус буйруқ чиқарди. Шу буйруққа биноан ҳайвонот боғи атрофида қаттиқ музика чалиш қатъиян ман этилади. Гап шундаки, яқинда шу боғ яқинида кучли рақс музикаси чалинганида ноёб ҳинд кийикларидан бири қўрқиб кетиб, ўзини темир панжарага урди ва қаттиқ яраланди.

Тана қўриқчилари сотилади

Мюнхен шаҳрида янги идора ташкил этилди. Ўзини ечинтириб ва талаб кетишларидан қўрқувчи ҳар бир киши шу идорага мўмайгина пул тўлаб, тана қўриқчиси сотиб олиши мумкин. Янги муассаса рекламасида фахр билан шу нарса қайд қилинганки, тана қўриқчилари штати бундесвернинг собиқ парашютчиларидан тузилган бўлиб, улар муштлашишга жиддий тайёрланган кишилардан иборат.

Шафқатсизлик рекорди

Англиядаги Спалдинг шаҳри мактабларидан бирининг ўқувчилар хори 48 соат давомида ашула айтиб, жаҳон бўйича рекорд қўйишди. Аввалги рекорд 3 соатга тенг эди. Рекорд концерти давомида ўқувчиларнинг томоқлари оғриб қолмаслиги учун уларни махсус дори ичишга мажбур этишди. Ўқувчиларнинг отаоналари буни «ашула рекорди эмас, балки шафқатсизлик рекорди» деб аташ керак, дейишмоқда.

Қатъий норозилик

Яқинда тузилган Эйскенс ҳукуматининг баёноти Бельгия парламентида ўқиб эшиттирилаётганда тўсатдан бўлиниб қолди. Чунки мажлислар залига бир буқа бостириб кирди. Буқанинг бу ерда пайдо бўлиши тасодиф эмасди. Уни бу ерга ҳукуматнинг ер ислоҳотидан норози бўлган деҳқонлар олиб келишган эди.

Тумшуғидан илинди...

Милан трамвайларининг бирида ғалати ҳодиса рўй берди. Йўловчилар кира ҳақи тўлаш учун майда чақа тополмаган кишини кўриб ҳайрон бўлишди. Лекин у чўнтагидан ҳар бири 50 минг лирлик кредит қоғозларини олганида йўловчиларнинг ҳайрати баттар ошди. «Миллионер»ни дарҳол ушлашди. У банкни ўмариб, қайтаётган ўғрилардан бири экан.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТОМОШАЛАР. ЭЪЛОНЛАР. РЕКЛАМАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — ТОШКЕНТ, 11.00 — Янгиликлар, 11.10 — Телефильм, 11.30 — Концерт, 12.15 — Ҳужжатли фильм, 12.30 — МОСКВА, 17.50 — ТОШКЕНТ, 17.55 — Комсомоллар минбари, 18.30 — Ахборот, 18.45 — Касаба союз — коммунизм мактаби, 19.00 — Концерт, 21.00 — Ахборот, 21.15 — Ўзбекистон ғаллакорларининг янги марралари, 21.40 — Шеърият мухлисларига. ОМОН МАТЧОН, 22.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.15 — МОСКВА, 18.20 — Янгиликлар, 18.30 — Қўғирчоқ спектакль, 19.00 — «Арғимчоқ», 19.45 — Телефильм, 20.00 — Социализм дунёси, 20.30 — **Мардлар майдони** (бадиий фильм), 22.00 — ТОШКЕНТ.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ТОШКЕНТ. Хоккей: «СПАРТАК» (Тошкент) — «МОТОР» (Барнаул), 21.45 — Тўлқинда-02, 22.15 — **Икарь** (фильм-балет).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/III да **Шоҳ Эдип**, 4/III да **Парвоз**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/III да **Хотинимнинг эри**, 4/III да **Хотинимнинг эри**.

КИНО

Садоқат (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА», «СПУТНИК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «КЎКЧА» (кундуз соат 12, 3 ва кеч 8.45 минутда).

Музика садолари — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Қизларни ўғирлаш — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Антрацит — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Том Жонс — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Туманли тун — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Балиқлар қалқиб чиққан кун — «КЎКЧА» (кеч соат 6 ва 7 яримда).

Тошкент шаҳар, Октябрь район соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли 1-болалар санаторийси ходимлари санаторий врачи

Эркина Исмоиловна ИНОҒОМХЎЖАЕВАнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №23, Редактор—336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683 Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назаралсини пропагачда кипиш — 331455, Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424, Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура—337162, Эълонлар—338142, Коммутатор—330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд — 31—972, Термиз — 54—01, Урганч — 34—55, Фарғона — 4—29—44.

Б. — 53. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 03269.